Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 4 май • Сешанба • № 51 (14079)   تركستان ✿ TURKİSTAN   Нарҳи 5 сўм.

Ёш авлоддан умидларимиз катта

Азиз ёш ватандошлар, юртдошлар!

Истиқлолимиз қалдирғочлари, маънавиятимиз қўрғонлари, қадри баланд ўғил-қизларим!

Сизларни баҳор либосидан кўркам гўзал Фарғонамизда очилаётган ёшлик байрами — Ўзбекистон талабаларининг биринчи фестивали билан самимий қутлайман!

Мустақил тараққиётга ва эркин келажакка интилаётган мамлакатимиз тарихий янгиланиш даврини бошдан кечирмоқда. Келажаги буюк давлатнинг ёш авлоддан умидлари катта. Халқимизнинг юксак маданияти, унинг миллий қадриятлари қайта тикланаётган кезларда талаба ёшларнинг зиммасига юксак масъулиятли вазифалар тушади. Зеро, ватанимиз Сизлардан улуғ аждодларимизнинг улкан илмий меросини изчил ўрганишни, тараққиёт омилларини барқарорлаштиришда фидойи бўлишни ва ўзбек халқининг обрўйини оламга ёйишни кутади.

Бугунги кунда Сиз, оловқалб ёшлар, барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда — фан ва техникада, маданият ва санъатда неки янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадил интилмоғингиз ва ўзлаштирмоғингиз лозимдир.

Анжуманингиз ўз ватани билан фахрланиш туйғусини яна ҳам теран англашингизда муҳим босқич бўлиб қолади, деб умид қиламан.

Азиз ёшлар!

Ўқиш-ишларингизда, келажак сари парвозингизда омад сизга ҳамиша ёр бўлсин, соғ-саломат бўлинглар!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 3 май.

Талабалар Фарғонада учрашдилар

Кеча эрта тонгдан сўлим Фарғона шаҳри аҳолисини карнай-сурнай садолари уйғотди. Шаҳарнинг ям-яшил кўчалари худди байрамлардагидек безатилган. Шоҳбекат ва тайёрагоҳда республика ижодкор талабалари анжуманининг иштирокчилари ҳамда меҳмонларини шоҳию-атласга бурканган қизлар, ёшлар ташкилотларининг етакчилари ва шаҳар жамоатчилигининг вакиллари анвойи гуллар билан кутиб олишди.

Шу куни тушга қадар бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар шаҳарнинг зиёратгоҳ жойларини бориб кўрдилар. Фарғона Давлат университети ва политехника олий билимгоҳи талабалари билан учрашдилар. Меҳмонлар учун Фарғона Давлат университетида наҳорга ош тортилди. Тушдан кейин «Талабалар баҳори-93»нинг тантанали очилиш маросими бошланди. Марказий «Спартак» ўйингоҳига минг-минглаб томошабинлар йиғилган. Фестивални тайёрлаш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси, Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазхон Мухторов йиғилганларни қизғин табриклаб, анжуманни очиқ деб эълон қилди. Республика Давлат мадҳияси ижро этилди. Тантана иштирокчилари ҳузурида фарғоналик спорт усталари (улар орасида Оврупо, Жаҳон, Олимпиада ўйинлари совриндорлари бор) болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг қатнашчилари, ҳарбийлар ва парашютчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов табрикномасини гулдурос қарсаклар билан қарши олишди.

Сўзга чиққан ёшлар вакиллари талаба ва ёшларга катта ғамхўрлиги учун Республика Президенти, ҳукумати шаънига ўзларининг самимий дил сўзларини изҳор этдилар. Тантанага йиғилганлар ҳузурида хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» дастаси жамоаси, республикамиз ва вилоятдаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари шунингдек, қизиқчию-аскиячилар ўз санъатлари билан чиқишиб, уларга баҳорий кайфият улашдилар.

«Талабалар баҳори-93» анжуманида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ёшлар билан ишлаш қўмитаси раиси А. Аъзамхўжаев, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Ю. Шодиметов, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўми биринчи котиби А. Орзиматов ва Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов ўртоқлар иштирок этдилар.

Бугун фестивалнинг иш дастуридаги асосий тадбирлар бошланди.

(Ўз мухбиримиз).

Ибратли тадбирлар

«Бир тоғнинг кийигимиз...»

Бу сўз яқинда Андижон вилоятида бўлиб ўтган Қирғизистон республикасининг Ўш, Жалолобод ҳамда мамлакатимизнинг Андижон вилояти ёшларининг дўстлик фестивалида кўп марта тилга олинди. Бунинг боиси бор, албатта. Буюк туркий халқларнинг ғанимлари ҳамиша уларнинг орасига нифоқ солишга ҳаракат қилиб келишган. Бизнинг қардошларимиз билан орамизга чегара тортишларининг, бошқа-бошқа миллат сифатида талқин этишларининг боиси ҳам шу аслида. Қолаверса, бундан бир неча йил олдин юз берган фожиаларнинг ортида ҳам оддий халқ эмас, бошқа қора ниятли кимсалар тургани бугун ҳеч кимга сир эмас...

Мақсаддан чалғидик, шекилли. Биз сизга қардош республикалар ёшларининг учрашуви ҳақида гапирмоқчи эдик. Аслида ўтказилган тадбирдан кўзланган мақсад ҳам дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдан иборат. Шу сабаб бўлса керак, бизда, ана шу ришталарни узишга ҳаракат қилувчилар ҳақида гапиришдан ўзимизни тиёлмадик.

Энди фестиваль ҳақида. Уни Андижон вилояти ёшлар иттифоқи қўмитаси саркотиби Зафарбек Саидхўжаев очди. Ўш вилояти ёшларининг етакчиси Жусуфахмат Дурдиматов ва Жалолобод шаҳар ёшларининг етакчиси Кабарбек Райимбековларнинг табрик сўзлари ҳам қўшни ва қардош вилоятлар ёшларининг алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақида борди.

Тадбир иштирокчилари вилоятнинг бир неча ноҳияларида, Андижон шаҳридаги бадиий буюмлар фабрикасида, Бобур музейида, шаҳар ҳунармандлари ҳузурида бўлишди. Вилоятнинг диққатга сазовор жойларини томоша, зиёрат қилишди. Ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилди. Фестиваль сўнгида ҳар учала вилоят ўртасида тўрт босқичдан иборат қўшма битим имзоланди. Унга кўра энди ҳар йили учала вилоят ҳамкорлигида ёш истеъдодлар кўрик танлови, ёш тадбиркорлар ва мутахассислар тажриба алмашуви, халқ ҳунармандчилиги бўйича вилоятлар биринчилиги ҳамда талабалар ўртасида турли тадбирлар ўтказиб туришга келишиб олинди. Бу ишлар туркий халқлар орасидаги қардошлик ришталари янада мустаҳкамланаётганлигидан далолат.

Албатта, ёшларга ҳамиша катталар йўл кўрсатишган. Керак бўлса, ёрдам, зарурат туғилса танбеҳ бериб туришган. Бу ҳам туркийларга бобомерос одат. Андижон вилояти раҳбарлари ҳам ёшлар уюштирган бу маъракадан четда туришгани йўқ. Тадбирларда вилоят ҳокими Қобилжон Обидов, шаҳар ҳокими Ҳамид Халиловлар ҳам иштирок этишди. Ҳокимлар шунчаки иштирок этиш билан чекланиб қолишмади. Тадбир қатнашчиларига ҳокимликнинг эсдалик совғалари берилди. Шунингдек кечки пайт «Олтин водий» кафесида ҳокимлик ҳисобидан катта зиёфат бўлди. Шу ернинг ўзида вилоятнинг «Дунё» ансамбли берган концерт дастури ҳам қатнашчилар хотирасига муҳрланган бўлса ажаб эмас...

Аъзамжон МИРЗАЖОН,
«Туркистон» махсус мухбири.

Суратлар муаллифники.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, мустақил Ўзбекистоннинг ўрта мактабини битирувчи синф ўқувчилари ҳамда республика ҳарбий лицейи тарбияланувчилари, айни кунларда сизнинг ватанимиз келажаги, бахт-саодати, осойишталиги борасидаги фидокорона хизматларингизнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Сизнинг қаламингизга мансуб «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларингизда Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги йўлидаги вазифаларимиз аниқ белгилаб берилган.

Бизнинг вазифамиз — ақлий ва жисмоний жиҳатдан юқори натижаларга эришмоқ, билимларни давр талаблари даражасида эгаллашдир. Бунинг учун бизга ва устозларимизга барча шарт-шароитлар, имтиёзлар яратилган. Республикамизда ҳар турли ўқув муассасалари ташкил этилгани, иқтидорли болалар қўллаб-қувватланаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳарбий-жисмоний тайёргарлик йўналишидаги мактаб-интернатларни битириб чиқаётган ўқувчи ёшларимиз зобитлар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртларига кириб ўқимоқда. Бу ёшлар жонажон республикамизнинг муносиб посбонлари бўлиб етишишларига шак-шубҳа йўқ.

Биз, ёшлар, сизнинг ғамхўрлигингизни дилдан ҳис этмоқдамиз. «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилиши ҳам болаларнинг бахтиёр келажагини таъминлаш йўлидаги дадил одим бўлди. Айни вақтда бу мўътабар орден мустақил Ўзбекистон болаларининг саломатлигини ўйлаб таъсис этилгани барчамизга равшандир.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз тез кунларда ўрта мактабни ва ҳарбий лицейни тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўямиз. Бир қисмимиз олий илм даргоҳига, бир қисмимиз касб-ҳунар эгаллашга, яна бир қисмимиз мустақил республика Қуролли Кучлари сафига қўшиламиз. Биз қаерда ўқимайлик ва қаерда ишламайлик, ўз кучимиз ва билимимизни мустақил Ўзбекистон равнақи учун сарфлаймиз.

Аъло ўқишимиз ва ўз хизмат бурчимизни намунали бажаришимиз ватанимизнинг бизга яратган шарт-шароитлари, имтиёзлари учун муносиб жавобимиз бўлади.

Республикамиз муҳим тарихий даврни бошдан кечирмоқда. У мустақил Ўзбекистон бўлиб жаҳон мамлакатлари қаторидан ўзига муносиб ўрин олмоқда. Эндиликда ўзбек ёшлари ҳам барча ривожланган мамлакатлар ёшлари сингари дунёга, тарих ва келажакка эркин назар ташламоқдалар. Ҳаёт ҳақиқатларини англаб етмоқдалар. Жаҳоннинг тараққий этган машҳур илм даргоҳларида ўқимоқдалар.

Биз, ёшлар ўзлигимизни англаб етишимиз учун бундай имконият яратган сиздан, республикамиз ҳукуматидан ғоят миннатдормиз. Биз, ўқувчи-ёшларнинг, бугунги бахтиёр авлод сифатида улғаяётганимизга бутун дунё аҳли гувоҳ бўлиб турибди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг муқаддас ватанимиз — Ўзбекистон шон-шавкати йўлидаги фидокорона меҳнатингизга ривож тилаймиз.

«Биз мустақил Ўзбекистон Республикасига содиқмиз» анжумани иштирокчилари.

КОТИБ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Фарғона вилояти Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг XXVI ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Вилоят Ёшлар Иттифоқи саркотиби Алишер Тешабоев конференцияда ҳисобот маърузаси қилди.

Конференцияда вилоят Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг Низоми тасдиқланди. Алишер Тешабоев вилоят Ёшлар Иттифоқи саркотиби этиб, Азимжон Мамадалиев котиб этиб сайланди.

Конференция ишида Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов, ҳоким ўринбосари Муҳаммадали Маҳмудов, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси Абдурашид Миралиев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси саркотиби А. Орзиматов ўртоқлар иштирок этишди.

Ўтиш даври сабоқлари

УЮШҚОҚЛИК — ИСТИҚБОЛ ГАРОВИ

Конференциядан олдин бир неча киши билан учрашиб, кўнгилдаги гапларини сўрадим.

Рисолат РАҲМАТОВА — Шеробод районидаги 32-ўрта мактаб бошланғич ёшлар ташкилоти котибаси.

— Қишлоғимизда ёшларнинг кўпчилиги ишсиз юришибди. Бу масала ҳеч кимни жиддий ўйлантирмаяпти. Ёшлар ташкилоти эса минг уринса ҳам бунинг уддасидан якка ўзи чиқолмайди. Аввало, Ёшлар Иттифоқи ташаббускор эмас.

Масалан, бизнинг Зарабоғ қишлоғини олайлик. Шу катта қишлоқ ҳаётида бу ташкилотнинг ролини умуман кўрмаяпман. Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ходимлари қишлоқларда тенгдошларимиз билан кўпроқ мулоқотда бўлишса, деган орзуимиз бор эди.

Қишлоғимизда қизлар оз эмас. Улар кийим тикиш, бичиш, тўқиш юмушларини қиёмига етказиб уддалайдилар. Афсус, бу қўли гул қизлар ўз ҳунарларини халққа яхшироқ кўз-кўз қилиш имкониятига эга эмаслар. Ёшлар учун турли кичик корхоналар, цехлар очилса бўлмайдими?

Тўлқин ҚУРБОНОВ — «Наврўз» давлат хўжалиги фуқаро мудофааси бўлимининг бошлиғи, Ёшлар Иттифоқи аъзоси.

— Обрўни тиклаш эса ўз-ўзидан бўладиган нарса эмас. Аввало Ёшлар қўмиталарига маблағ керак. Чунки кўп муаммоларнинг ечими ана шу масалага бориб тақалади.

Авваллари ёшлар ишсиз, бекор юришса маъмурий чора кўрилар эди. Ҳозир эса бу оддий ҳолга айланиб қолган. Шундай эмасми?

Энг ёмони баъзи ёшларда билимга қизиқиш йўқ. Кўпларининг савияси биз кутган даражада юқори эмас. Айрим ёшлар пешона тери эвазига пул топишни хаёлига келтирмайдилар. Улар енгил-елпи йўллар билан мол-дунё эгаси бўлиш пайида.

Бундай муаммоларни ҳал қилишда Ёшлар Иттифоқи қўмиталарига раҳбарлар, айниқса, ҳокимлар аниқ-амалий ёрдам кўрсатиши зарур.

Туманлар, вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмиталари кичик корхоналар очиб ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга кўмаклашса бўлмасмикан? Бундан ташқари туманларнинг Ёшлар Иттифоқи қўмиталарига хўжалик раҳбарлари амалий ёрдам кўрсатишларини истар эдим.

Юқоридаги юракдан чиққан гаплар табиийки, конференция залидан жарангламагани йўқ. Турган гапки, бу мулоҳаазларнинг барчасини ҳам ҳақиқат, дейиш фикридан йироқмиз. Чунки баҳсталаб ўринлар, далилланмаган фикрлар йўқ эмас. Аммо, бир нарса равшан: агар ёшларга сўзлаш гали келиб қолса, улар кўп муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, энг асосийси амалда ҳал этиш қудратига эга. Шу масалага эътибор қилиш ташкилот обрўси учун хизмат қилади.

...Ўз-ўзидан равшанки, бир ёки ярим соатга мўлжалланган маърузада минг кундан зиёд вақт мобайнида қилинган ва «қўл тегмаган» кўпдан-кўп ишларни, йўқотишларни тўла акс эттириш даргумон.

Конференция олдидан менга биринчи котиб Дамин Қобилов ўқиши керак бўлган маърузанинг икки хил вариантини тақдим этди. Бири — 35, иккинчиси — атиги 20 бет. Анжуманда қисқа ёзилгани ўқиб берилди.

Маъруза чўзма эмаски, уни хоҳлаганча чўзаверсанг.

Аммо, ҳар қалай унда бир юз етмиш мингдан зиёд ёш қалбни ўз атрофига уюштирган, мингдан ошиқ бошланғич ташкилотнинг жиловини тутиб турган вилоят Ёшлар Иттифоқи фаолиятининг кўп жиҳатлари ўз аксини топгани маъқул эмасмиди? Қисқа маърузада эса...

...Вилоятда кўз-кўз қилса арзийдиган ишлар кам бўлмаётир. Булардан энг муҳими, вилоят ҳокимининг қарорига асосан Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби айни пайтда вилоят ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича муовини вазифасига тайинланиши бўлди. Бу лавозим туманларда ҳам жорий этилганлиги вилоятда ёшларга эътибор берила бошлаганини билдиради.

Аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чўнтагида маблағи мўл бўлмаган Ёшлар Иттифоқининг эътиборидан четда қолаётгани аҳамиятлидир. Яхшиси, гап орасида айрим далилларни қистириб ўта қолайлик. Бойсун туманидаги 12-болалар уйи билан алоқа мустаҳкам. Ҳар бир туман, шаҳар Ёшлар Иттифоқига икки — уч нафардан қаровсиз бола беркитилган. Жамғарма банкларида жорий ҳисоблар очилди. Байрамларда болалар уйидагиларга турли совғалар тарқатишди. Бундан ташқари вилоят «Ногиронлар» жамиятининг оёққа туриб кетишида ҳам суянчиқ бўлишди.. Мебеллар, телефон аппаратлари ва бошқа нарсалар берилди. Рублнинг қудрати ҳозиргидан дуруст бўлган даврда 41 нафар байналмилалчи жангчига 84 минг сўм маблағ хайрия сифатида инъом қилинди. Бир нечта кўрик танловлар ғолиблари тақдирланишди. Хуллас... пичоққа илинадиган тадбирлар ҳам кам эмас.

Аслида вилоятдаги Ёшлар Иттифоқи қўмитаси кўплаб ташаббусларнинг муаллифи бўлиб қолаётганлиги қувончли ҳол. Хусусан, ўқувчиларда меҳнатга кўникма ҳосил қилиш, ўқув даргоҳларининг моддий-техника жиҳатидан аҳволини ўнглаш мақсадида қуёнчилик фермаларини ташкил этиш ташаббуси кўпчиликни хурсанд қилди. Шу баҳонада мактабларда қуёнчилик билан бир қаторда қўйчилик, қорамолчилик фермалари ташкил этишга ҳам рухсат этилди. Бу яхши, аммо, негадир шу хайрли ташаббус айрим туманларда, ўқув юртларида дуруст из қолдирмаётгандек. Демак, ташаббус бошландими — масалани охирига етказиш учун елиб-югуриш зарур.

Яқинда Ал Ҳаким Ат Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро мусобақада Ёшлар Иттифоқининг қўли бор — ташкилотчилик ва ташаббускорлик туфайли бу тадбир вилоятда ўзига хос байрам, зўр тантана тусини олди.

Маърузада қуйидаги далиллар ҳам тилга олинди. Вилоят Ёшлар Иттифоқи ташкилоти томонидан қабул қилинган қарорлар жойларда бажарилсагина қоғозда қолиб кетмаслиги мумкин. Лекин, 1992 йил май—июнь ойларида ташкил этилган «дағал хашак тўплаш икки ойлиги»нинг якуни қилинмаганлиги, 1992 йил май ойида ташкил этилган ҳаммаси пул ютуқли Ёшлар лотореяси — спринт ўйинни чипталарининг сотилмай қолиб кетаётганлиги Термиз, Олтинсой, Сариосиё, Узун туманлари, Термиз шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмиталарида аъзолик бадалларининг икки—уч ойлаб жорий ҳисобга туширилмай келаётганлиги... Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ишига соя ташлади, албатта. Лекин, шу далиллар маърузада таҳлил этилганида, сабаблар, айбдор масъул кишиларнинг исми шарифлари кўрсатилганида танқиднинг таъсир кучи зўр бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Конференцияга асосан вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитаси биринчи ва иккинчи котиблари раислик қилишди. Маъруза муҳокамасида қатнашган кишилар навбати билан, аввалдан белгиланган рўйхат асосида минбарга чиқишди. Конференция охирлаётганда исми рўйхатга тушмай қолган киши қўл кўтарди:

— Мен ҳам кўнглимдаги гапларни айтмоқчи эдим.

Раислик қилувчи залда ўтирган кишиларга қарата деди:

— Сўз сўраган одам гапирсинми ёки гапирмасин?

Кўпчилик негадир узоқ вақт ўтириб чарчагани учунми, розилик бермади. (30 киши сўзга чиқиши белгиланган эди).

Фикримизча, ким гапиришини олдиндан белгилаш — эски усул.

Маъруза юзасидан муҳокамада иштирок этишни хоҳлаган одамнинг овозини бўғиш эса тошқин дарёни жиловлашдек бир гап...

Музокарада қатнашган вилоят ҳокими Жўра Норалиев ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Адҳамжон Орзиматов ёшлар муаммолари хусусида анча куюнчаклик билан сўзладилар, мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Бироқ, бошқа нотиқларнинг нутқларидан кўнгил тўлмади. Чунки, улар кўнгилчанлик қилишиб, нимагадир ўз ишлари тўғрисида ахборот беришдан нарига ўтмадилар.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

Энг сўнгги хабар

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси 1993 йил 6 май соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари эртага, 5 май куни, эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши эртага, 5 май куни соат 17.30 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

МАҲОРАТНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ

Тўрақўрғонда миллий кураш бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилди. Бу ҳозирча Наманган вилоятида ягона ихтисослашган спорт мактабидир.

Дастлабки кунданоқ 300 нафар болалар ва ўсмирлар мактабга ёзилдилар. Уларга олтита тажрибали мураббий кураш сирларини ўргатмоқда. Ҳозирги ўқувчилар орасида туман миқёсида совриндор ва чемпион бўлганлар оз эмас. Бироқ бу тўрақўрғонлик ёш полвонлар маҳоратининг дастлабки босқичи деб мутахассислар уларга катта умид боғламоқдалар.

АНГОР ҚАЛИШИ

Сурхондарё вилоятидаги Ангор пахта тозалаш заводида ишлаб чиқарилган калишнинг дастлабки туркуми сотувга чиқарилди. Бу ерда қишлоқ аҳолиси учун зарур бўлган мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарадиган кичик корхона иш бошлади.

Жиззахдаги «Сўғдиёна» фирмаси ангорликларга бу янги ишни ўзлаштиришда ёрдам берди. Тузилган шартномага мувофиқ фирма хом ашё етказиб беради, ундан ҳар куни 800 жуфт калиш тайёрланмоқда. Цехда Молдавиядан сотиб олинган замонавий ускуналар ўрнатилган бўлиб, уларни жами 10 киши ишлатмоқда.

Табиат ва биз

СУВ ҚАЧОН ЗАР БЎЛАДИ?

ЁКИ УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида давлат мустақиллиги, авлодларнинг ворислиги, демократия идеаллари ва ижтимоий адолатлилик, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш асослари ҳамда атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш қарашлари акс эттирилган. Конституциянинг 42-моддасида давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши таъкидланган. Бу табиатдан фойдаланиш илмий концепциясини шакллантиришда ниҳоятда синчковлик билан мулоҳаза юритиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни мувофиқлаштириш соҳасида ҳуқуқни амалга оширишни кучайтириш ва ресурсларни тежаб-тергаш ҳамда атроф-муҳитни сақлашни конституциявий рағбатлантириш заруратини шарт қилиб қўяди.

Экологик вазиятни кескинлашувига ва ижтимоий тангликни келтириб чиқарадиган сув ресурсларининг камчиллиги оби-ҳаётдан фойдаланишни конституциявий асосларда кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этади. Ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва сақлаш конституциявий институт ўз тузилмасида ер, сув, экология ва бошқа қонунчилик соҳасидаги ўз элементларини ривожлантиришнинг йўлларини топиши мумкин.

Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш конституциявий актларнинг самарадорлиги оби-ҳаётдан фойдаланишнинг минтақавий ҳамда ҳавзавий соҳада кенг халқаро ҳамкорлик қилиш билан миллий тадбирларни ва атроф-муҳит мониторлиги бош йўналиши тизимини уйғунлаштиришни кўп томондан белгилаб беради. Ўзбекистон Конституциясининг кириш қисми қоидаси эътиборга олинадиган бўлса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш конституциявий институт унда давлатнинг ташқи сиёсат принципларининг ва жамиятни экологик ҳимоя қилиш манфаатлари муштараклигидан келиб чиқиши зарур. Давлат ана шу институтнинг мустақил ҳуқуқларидан фойдаланиш билан бир қаторда ўз фаолиятида табиий ресурсларга, муҳитга ва бошқа давлатларга зарар етказмаслиги лозим. Сувдан фойдаланишнинг ана шундай конституциявий институти асосида халқаро ҳамкорлик қилиш тинчликни сақлаш бош принципларига риоя қилган ҳолда мустақил давлатларнинг ўзаро бир-бирини тушуниш ва мустақиллик ҳуқуқларини ҳурмат қилиш шароитида умум эътироф этилган нормаларнинг халқаро ҳуқуқларидан келиб чиқиши зарур. Ташқи сиёсатга бағишланган Конституциянинг IV боб 17-моддасида мана шу қоида кучайтирилган. Ҳуқуқ ва мелиоратив фаннинг умумий назариясига эришиши, халқ депутатларининг фаол фаолияти сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг минтақавий қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаб олиш имкониятини беради. Ҳуқуқий актларнинг тизимини яратиш эса табиатдан фойдаланишни қитъа халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш тузилмасига мустақил элемент бўлиб кириши мумкин.

Республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқалари узлуксиз ривожланиб бориши, сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида ҳам янги-янги халқаро фаолиятда ҳамкорлик шаклларининг юзага келиши ташқи иқтисодий субъектлар ўртасида муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиб туриш муаммосининг долзарблигини оширади. «Олис хориж» мамлакатларининг кўпчилигида ажнабий элементлар билан муносабатларни мувофиқлаштириш учун мақбул бўлган ер, сув, экологик ҳуқуқнинг конституциявий нормалари халқаро табиатни сақлаш муносабатлари учун Ўзбекистонда ҳам улар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тўла ва чекланган масъулиятли ширкатлар, концессиялар ва хорижий инвестициялар тўғрисидаги ҳуқуқий низомлар ҳақида конституциявий-норматив актлар 30-йилларда тугатилган эди, ҳозирги вақтда улар яна қайта тикланаяпти. Давлат даҳлсизлиги ҳуқуқи тўғрисидаги асос ўн тўртинчи асрдан буён ривожлантирилиб, қонунлар ва халқаро шартномаларни такомиллаштириш пайтида қўлланилиб келинмоқда. Давлат даҳлсизлиги тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий конвенцияга расмий муносабатни шакллантириш истиқлол республикамиз учун муҳимдир. Шу нуқтаи назардан мазкур муаммога халқаро ҳуқуқ доктринасига батафсил тўхталиб ўтиш эътиборга лойиқдир.

Табиатни муҳофаза қилиш қонун чиқариш ишлари ҳуқуқий тизимининг икки туридан — давлат ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқидан иборат бўлади. Бу тизимлар мустақил, аммо ўзаро боғлиқ ҳамда ўзаро бир-бирини тақозо этади. Ер, сув ва бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилишда халқаро-ҳуқуқий актлардан фойдаланиш давлат ичига қўллашга қиёсан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин, аммо халқаро ҳуқуқ субъектининг белгилари принципиал жиҳатдан эса бир хилдир. Конституциянинг IV боб 17-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Бу ўринда табиатдан фойдаланиш фаолияти ҳам назарда тутилади, албатта. Шу моддага мувофиқ республика ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланади. Халқаро ҳуқуқ чуқур тузилма норматив тизимдан иборат бўлиб, унинг элементлари асосий принциплари, институтлари, шу ҳуқуқ тармоқлари ҳисобланади.

Муҳим давлат масалаларини ҳал этишнинг ҳуқуқий асоси бўлган учта моддаси (50, 55, 100) табиий ресурсларни муҳофаза қилишга бағишланган Ўзбекистон Конституциясининг қоидаси бўлиб хизмат қилади. Улар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий характерга эга ва Асосий Қонун экологик нормаларни бирлаштиришга хизмат қилиши лозим. 50-модда конституциявий табиатни муҳофаза этиш мажбуриятини юклайди. Ҳаммага маълумки, конституциявий талабларга эркинликлар ва мажбуриятлар бирлиги фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш ва кенгайтириш, фуқароларга табиат неъматларидан фойдаланиш имкониятини бериш киради. Шу билан бир пайтда фуқаро фақат иқтисодий фаолиятнинг объектигина бўлиб қолмай, балки субъекти ҳам ҳисобланади. Тармоқ қонунчилиги фуқароларга қулай табиий муҳитни таъминлаш ҳуқуқини кафолатлаб, бунга эришишнинг етарли имкониятини назарда тутиши зарур. Тармоқ қонунларида табиатдан фойдаланишнинг умумий ва махсус, бирламчи ва иккиламчи, муддатсиз ва муваққат, қўшма ва асосланган ҳуқуқларни таъминлаш шаклларини назарда тутиш мумкин. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи уларга экологик қарорларни ишлаб чиқиш ва ижро этишда қатнашиш, тегишли органларга табиий муҳитни соғломлаштириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш талаблари билан мурожаат қилиш, экологик хавфга қарши норозилик билдириш имкониятини беради. Тавсия этаётган таклифимиз фуқароларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини конституциявий рағбатлантиришни ривожлантиришга ва тармоқ қонунчиликларида республиканинг инсонпарварлик муаммоларини ҳал этишга қаратилгандир.

Конституциянинг учинчи бўлими XII бобининг 55-моддасида шундай дейилади: ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидандир. Маълумки, мутлақ давлатнинг ер, сув мулкини марказлаштириш ана шу ресурсларни бошқаришда ва тасарруф қилишда вазирликлар ҳамда маҳкамаларнинг тенг ҳуқуқларини поймол бўлишига олиб келди. Эндиликда конституциявий актга мувофиқ республика хўжалиги ер-сув ресурсларидан фойдаланиш пайтида илғор ишлаб чиқариш муносабатлари асосида иқтисодий қонунларга мос тарзда ривожлантирилиши лозим. Конституциямизнинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган амалкёти табиий бойликларни сақлаб қолишнинг ўзинигина эмас, балки ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, атроф-муҳит табиатини ва унинг алоҳида қисмининг фойдали хусусиятини яхшилашга ҳам қаратилгандир.

Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазифасини амалга ошириш юзасидан депутатлар комиссияларининг қонунларни яратиш фаолияти катта роль ўйнайди. Экологик экспертизалар муаммоларини ҳал этишда ҳокимларнинг қатнашиши янада амалий бўлиши, улар мустақил, маҳкамаларга тобе бўлмаган ҳолда, нуфуз билан иш кўришлари зарур. Шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш ва кимёлаштириш, кимё ва микробиология саноатини ривожлантириш борасида илгари қабул қилинган бир қатор лойиҳалар ва дастурларни қайта кўриб чиқиш лозим. Лойиҳаларни тузиш ва муҳокама этиш процедурасида ҳуқуқий жиҳатларни текширувдан ўтказиш учун ҳуқуқ вакилларининг қатнашиши зарурат бўлиб қолаяпти. Табиатдан фойдаланишнинг экологик вазиятларини сессияларда фаоллик билан муҳокама этиш конституциявий қурилишнинг муаммосини долзарб қилиб қўймоқда.

Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этишнинг конституциявий механизмининг ғоят самарали элементларини назорат қилиш масъулият бўлиб қолаяпти. Субъектларга турли хил масъулият ва услубиятлар билан ёндашишни амалга ошириш конституциявий масъулиятдан фарқ этади. Конституцияда табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида Кенгашларнинг тўла ҳукмронлиги, айниқса, ҳокимиятларнинг табиатдан фойдаланиш ва экологик фаолиятдаги камчиликларни бартараф этиш, табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги баҳсли масалаларни ҳал этиш, ижроия органларнинг табиатни муҳофаза қилиш қонунларига зид бўлган актларини тўхтатиб қўйиш ёки бекор этиш сингари маъмурий чоралар кўриш, баҳо бериш мустаҳкамлаб қўйилган. Халқ депутатлари Кенгашлари табиатдан фойдаланишнинг экологик назорат қилишни умуммиллий мониторинг тизими шаклида амалга оширишлари мумкин. Бунинг маъноси шуки, табиий муҳитнинг ҳолатини назорат қилиш, унинг хўжалик ривожланиши таъсири остида ўзгариши даражаси юзасидан ахборотларни тўплаш, умумлаштириш, бундан кейин қандай бўлишини олдиндан айтишдан иборатдир.

Ўрта Осиё давлатларининг конституциялари табиатдан фойдаланиш ҳуқуқининг асос солувчи манбалар, минтақавий актларни қабул қилиш учун ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилади. Қонунлар ишлаб чиқариш соҳасида давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий вазифалари тизимини мустаҳкамлаб, конституциялар табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш тўғрисидаги минтақавий актларни, унинг ҳуқуқий кучи ва ҳаракат қилиш доирасини аниқлаб беради.

Маълумки, шу йил мартида Қизил Ўрда шаҳрида Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари анжуманида Орол бўйидаги экологик тангликка, Орол фожеаси оқибатларини бартараф этиш йўлида баҳамжиҳат кўриладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланди.

Анжуманда Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этишга умумий ёндашув ишлаб чиқилди, муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бундан буён шу ҳужжатлар, жумладан, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақаси экологиясини соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисидаги битим ҳам шу йўлдаги барча ишларга асос қилиб олинади.

Давлат раҳбарларининг учрашувида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатлараро кенгаш тузилди, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди.

Ўзбекистон Конституцияси республикамиз истиқлолини мустаҳкамлаб, давлат ҳокимиятнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасида мустақиллиги устиворлигини таъминлаб, ислоҳотлар ўтказиш сари ҳаракатни амалга оширишига кўмаклашмоқда. Асосий Қонун ижтимоий ва иқтисодий тузумнинг асосларини, давлат бошқаруви шакллари ва тузилишини, шахснинг ҳуқуқий мавқеи, ҳокимият органларини ташкил этиш тартиблари ва ҳуқуқларини, сайлов тизими ва адолатли судни ташкил этиш ва асосий принципларини мустаҳкамлаб қўйди. Замоннинг зайли билан унга ўзгартишлар киритилса ҳам ҳозирги пайтда у ва бошқа қонунлар экологик ўзгаришлар тузилмасида таъсир кўрсатишга, бозор муҳити ва шароитларини яратишга, табиий бойликларга тежаб-тергаш билан ҳамда оқилона муносабатда бўлишга, келгуси насллар учун уларни сақлаб қолиш тартибини жорий қилишга даъват этилган. Янги Конституцияга мувофиқ тарзда қонун ишлаб чиқарувчи ва қонунларни қабул қилувчи органлар илгари тасдиқланган қонунларни, шу жумладан, табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қайта кўриб чиқишлари зарур.

Асосий Қонунда экологик ва ижтимоий нормалар ўртасида даҳлсизлик ҳуқуқи алоқалари ва муносабатлари ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий принциплар баён қилиб берилган. Бу эса уларнинг муносабатларини ва истиқболларини, табиатдан фойдаланишнинг конституциявий институти ҳозирги ҳолатини аниқлаб беришга, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан ижтимоий муносабатларни таъминлашда Конституциянинг туб моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Р. ХОЛБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси сув муаммолари институтининг катта илмий ходими,

А. БЕЗБОРОДОВ,
Москва гидромелиоратив институтининг аспиранти,

Ю. БЕЗБОРОДОВ,
Москва гидромелиоратив институтининг экологомелиоратив факультетининг талабаси.

Қутлуғ кун

«Ғунча»нинг ғунчаси

Кичкинтойларнинг кўнглини олиш, уларнинг меҳрини қозониш осонми? Бу оддий савол бўлса ҳам, аммо бир маънода жавоб бериш қийин. Ахир болаларнинг диди нозик, янгиликка ўч, бир қолипдаги сувратларни ёқтиришмайди. Чунки улар ранг-баранг, қизиқарли расмларни, шеър ва эртакларни севишади. Шундан кичкинтойлар ҳукмига тақдим этиладиган ҳар бир шеър ва ҳикоя, айниқса расмлар юморга бой, енгил ҳамда маъноси лўнда бўлиши лозим. Бу муаллифдан изланишни, қунт билан меҳнат қилишни талаб этади, албатта.

Республикамизда чоп этилаётган «Ғунча» журналининг муштарийлари болалар. Шундан хам унинг ҳар бир сонини уларнинг дидига мос тушадиган қилиб безатиш, ранг-баранг, қизиқарли мавзуларда расмлар бериш ўз-ўзидан бўлади, деган гап эмас. Бунда журнал ташкил топганидан буён бутун қалб қўри, кўзининг нурини ўринбосарларимиз, эндиликда мустақил жумҳуриятимизнинг келажак эгаларини баркамол тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бадиий муҳаррир Турсунпўлат ака Холмуҳамедовнинг хизмати катта.

Турсунпўлат ака Холмуҳамедов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, халқ маорифи аълочиси. Бутун ҳаёти ва истеъдодини болаларга бағишлаган ажойиб қалам ва мўйқалам соҳиби, беғубор инсон. Шунданми, ҳамкасблари ё ҳазиллашиб, ё тўғри маънода «Ғунча»нинг ғунчаси деб бежиз айтишмайди. Чунки шу журналда 1957 йил декабридан буён серқирра ижодий фаолият кўрсатиб келаяпти. «Олмахон» сарлавҳали ҳикояси эса «Ёш гвардия» нашриёти томонидан алоҳида китоб этиб чоп этилган. «Юлдузча» тўпламидан ҳам бир қатор ҳикоялари ўрин олган.

Болаларга бағишланган журнални кичкинтойларга хос ва мос безашда ҳамиша изланади. Таҳририят жамоаси билан биргаликда ўз билими, тажрибаси ва маҳоратини беминнат сарф этиб келаётир. Бу ерда меҳнат фаолиятини бошлаганда Турсунпўлат аканинг жингалак сочлари қоп-қора эди. Мана энди улар оппоқ. Бу оқлик кўнгил поклигининг нишонаси, дейишади.

Май — баҳорнинг [illegible]ркамоллик палласи. Турсунпўлат ака ҳам айни шу ойнинг иккинчи кунида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Бу йилгиси алоҳида маънога молик — 60-баҳор. Биз Турсунпўлат ака Холмуҳамедовни шу қутлуғ ёш билан сидқидилдан муборакбод этиб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Турсунпўлат ака Холмуҳамедов эндиликда уч қиз: Жамила, Дилфуза, Наргиза ва бир ўғил Муроджоннинг отаси, олти невараниг дадаси. Ниятимиз: Турсунпўлат ака, ҳамиша руҳингиз тетик, кайфиятингиз ғунча мисоли дилбар бўлиб, чевараларнинг ҳам бобоси бўлиш сизга насиб этсин!

Карим РАҲИМ.

Анжуманда сўз сўрайман

Республикамиз ёшларига алоқадор бўлган бир қанча ташкилотларнинг ажойиб ташаббусига кўра Фарғона шаҳрида ўтказилаётган «Талабалар баҳори—93» фестивали катта тантаналар билан очилди. Бу байрам мустақил диёримизда ёшларни биринчи маротаба жамлаб, уларнинг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватлаб, камчилик ва ютуқларини ўзаро баҳам кўриб, келажак иш режаларини аниқлаб беради деган умидлар бор.

Ушбу фестиваль баҳона мен ҳам айрим фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Аввалам бор байрам дастурига тўла амал қилинишини жуда ҳам хоҳлардим. Унда турли корхона жамоалари билан учрашувлар, ўзаро мулоқотларга кенг ўрин берилган.. Фестивалда қатнашаётган йигит-қизлар ишлаб-чиқариш бирлашмалари, фабрика ва заводларнинг ҳаёти билан чуқурроқ танишсалар, келажак режаларида ўзгариш, яхши ишларга туртки бўлади.

Ёшлар ташкилоти сифатида олий ўқув юртлари Ёшлар Иттифоқи қўмиталари фаолиятида баъзи бир қийинчиликлар борки, анжуман бу муаммоларга ҳам эътиборини қаратади, деб ўйлайман. Ҳамма гап яна маблағ масаласига бориб тақалмоқда. Биз энди аъзолик бадаллари ҳисобига кун кечирадиган ташкилот эмасмиз. Чунки унинг умри қисқа бўлади. Ўзимиз пул топишимиз, ҳомий излашимиз керак бўлиб қолди.

Фестиваль дастуридан талабаларнинг илмий-амалий конференцияси ҳам ўрин олгани, айни муддао бўлди. Унда турли мавзулардаги маърузалар бўлиши табиий. Агарда менга ҳам сўз беришса, талабалар орасида илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирган бўлардим.

Бу борада институтимизда олиб борилаётган ишлар, муаммо ва камчиликлар ҳақида сўзлардим. Машойихлар айтган экан: «То сўз амалдан, амал сўздан айру экан, баҳс бўлаверади. Баҳс боқийлигича қолаверади».

Фурқат МАҲМУДХЎЖАЕВ,
Тошкент кимё-технология институти ЁИ котиби.

Кеча Бугун Эртага

● **РОССИЯ** Федерацияси қуролли кучлари бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант А. И. Николаев АҚШ пойтахтига келди. У АҚШ қуролли кучлари штаблари бошлиқлари қўмитасининг аъзолари билан музокара ўтказади ва Амриқонинг ҳарбий иншоотларини бориб кўради.

● **БОСНИЯЛИК** серблар Босния ва Герцеговинадаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш режасини қўллаб-қувватлашга қарор қилганликлари «ижобий қадам» бўлса ҳам, бироқ АҚШ ҳозирча «уларнинг тинчликка эришиш ниятлари жиддийлигига унчалик ишонмаяпти. АҚШ президенти Билл Клинтоннинг баёнотида боснийлик сербларнинг ҳақиқий ниятларига «уларнинг ҳаракатларига қараб» баҳо берилади, деб таъкидланади.

● **ОВРУПО** шимолидаги давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашувида хавфсизлик ва барқарорлик масалалари, собиқ Югославиядаги вазият, бошқа бир қанча халқаро муаммолар муҳокама қилинади. Швеция пойтахти — Стокгольм яқинидаги Марнефред шаҳарчасида бошланадиган бу учрашув уч кун давом этади.

● **ТИБЕТНИНГ** қувғиндаги маънавий раҳбари Далай-Лама АҚШдан Лондонга икки кунлик ташриф буюрди. У Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрд томонидан қабул қилинади, сиёсий ва диний арбоблар билан учрашади, буддизм ҳақида лекциялар ўқийди.

● **ЎТГАН** душанба куни парвоз қилган «Колумбия» космик кемасидаги етти нафар астронавт [illegible]зодаги ишларни давом эттирмоқда. Амриқонинг космик фазони тадқиқ қилиш ва аэронавтика бошқармаси уларнинг учишини яна бир кун узайтиришга қарор қилди. Аммо экипаж орбитада бир неча кун учиш эҳтимолини назарда тутиб, парвознинг учинчи куниёқ энергияни тежай бошлаган эди.

● **ФРАНЦИЯНИНГ** собиқ бош вазири Пьер Береговуа ўзини-ўзи ўлдирди. Прокурорнинг айтишича, Пьер Береговуа ҳимоячисининг қуролидан фойдаланиб, ўз жонига қасд қилганлиги маълум бўлди. Собиқ ҳукумат бошлиғи ўз кекирдагини мўлжалга олган. Бу фожиа хусусида ҳозирча ҳеч қандай расмий изоҳ берилгани йўқ.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

Дунёнинг ишлари

«САРОСИМАГА ТУШМАНГИЗ»

АМСТЕРДАМ аэропортининг навбатчи гуруҳига радиохабар келди: «КЛМ—236» авиалайнери назорат пунктини алоқага чақиради. Тезда алоқага чиқишингизни сўраймиз. Самолётимиз бакида бир томчи ҳам бензин қолмади. Кўрсатма беришингизни кутамиз. Қабул».

Диспетчерлик хизмати муҳандиси қўрққанидан кўкариб кетди ва қўллари қалтираб микрофонга ёпишди: «Диспетчерлик пункти гапиряпти. «КЛМ—236»ни алоқага чақираман. «КЛМ—236»ни чақираман. Экипаж саросимага тушмасин. Совуққон бўлинг. Учиш белгиларини кузатинг, бор маҳоратингизни ишга солинг. Тезда чора кўрамиз. Қабул».

Бир дақиқалик оғир жимликдан сўнг диспетчерликдаги алоқа тармоғи яна «шир-р-пир-р»лаб қолди. Ва ниҳоят самолёт командирининг овози эшитилди: «Алло, назорат пунктини алоқага чақирамиз, назорат пунктини алоқага чақирамиз. Биз ҳалиям аэродромда ўралашиб юрибмиз. Учиб кетолмаяпмиз. Икки соатдан бери бензин кутяпмиз...».

ЛАҚМА ТОМОШАБИНЛАР

АМРИҚОНИНГ Сент-Луи шаҳрида бир музей очилган — фирибгарларники. У ерда барча касалликларга қарши ичиладиган «мўъжизавий таъсир кучига эга бўлган» дори-дармонлар намойиш этилади. Кўргазмага қўйилган экспонатлар орасида диабетдан тортиб раккача бўлган хасталикларни «даволовчи» «спектрометр» ҳам бор. Фақат юз киловаттли чироқни ёндириб, фильтр ўрнатилади ва хаста жойга қўйилса бас. У ерда яна бошқа — мусиқали тиббий асбоб ҳам борки, унинг электродлари мусиқага мос тебранади ва хаста жойга «таъсир этади». Кўргазмага қўйилган бу «ихтиро»ларнинг барчаси ёпиқ витрина остида. Бироқ шундай бўлса-да, экспонатлар айрим лақма томошабинлар томонидан яширинча ташиб кетилмоқда. Айримлари эса музейнинг ўзидаёқ таблеткаларни ютиб юборишмоқда.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР «ЙИҒИСИ»

ФИНЛЯНДИЯ кемаси Испания қирғоқларига етиб борганда кема бортида саросималик юз берди. Денгизчилар кема трюми (кеманинг механизмлар ўрнатиладиган ва юк ортиладиган остки қисми)да арвоҳлар шовқин солишмоқда деб ўйлашди ва қўрқув аралаш ҳайратдан ёқа ушлашди. Кема капитани ва унинг ёрдамчиси қўрқа-писа трюмга тушишди. Не кўз билан кўрсинки, трюмга ортилган «гапирувчи» қўғирчоқлар (жуда кўп) кема чайқалган пайтда механизми ишга тушиб, тинмай «йиғлашаётган» экан.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

АФҒОНИСТОН ҲУКУМАТИ Қобулнинг «Афғонистон Ислом партияси» тарафдорлари томонидан қамал қилиб олинганини инсонийликка зид ҳаракат деб атади. Президентнинг вакили Абдул Азиз Муроднинг журналистларга айтишича, Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр бошчилигидаги мазкур партиянинг жангарилари Бурҳониддин Раббоний ҳукуматига шу тарзда тазйиқ ўтказишмоқчи. Ҳукумат душманларининг «инсонийликка ва Ислом динига зид бўлган бу қилмиши» пойтахт аҳолисига салбий таъсир қилмоқда. Бу ердаги аҳвол кун сайин ёмонлашиб бормоқда, деди у.

1991 ЙИЛГИ ИРОҚ-ҚУВАЙТ уруши вақтида Форс кўрфазининг нефть билан ифлосланиши оқибатларини тугатиш учун бир неча ўн йил керак бўладиганга ўхшайди. Амриқо океан ва атмосфера муаммолари миллий бошқармасининг мутахассиси Жон Робинсоннинг сўзларига қараганда, денгизнинг Саудия ва Қувайт соҳилидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси нефть ёнғинларидан ва сувнинг булғанишидан қаттиқ зарар кўрган.

ГРЕЦИЯ БМТНИНГ Югославияга қарши жазо чоралари натижасида 2,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида кўрган зарари учун БМТдан товон талаб қилмоқчи. Греция савдо флоти вазири Александрос Пападонгонас мухбирлар билан суҳбатда шундай деди. Унинг сўзларига қараганда, Грециянинг Ғарбий Овруподаги мижозлар билан қиладиган анъанавий савдо йўллари бекилиб қолиши натижасида мамлакат шунча зарар кўрган. Энди у юкларни Болгария, Руминия ва Венгрия орқали ташиб, кўп харажат қилишга мажбур бўлмоқда.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ. Сариқ денгиз бўйидаги Пусан шаҳри. Бу ерда жуда кўп саноат корхоналари, фирма ва концернлар жойлашган. Машҳур «ДЭУ» концерни ҳам шу ерда.

Р. ЖАББОРОВ олган сурват.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ГАРОВДА ЮТҚАЗМАДИ

● **НЬЮ-ЙОРК** штатининг Бат шаҳарчасидаги майхоналардан бирининг соҳиби бўлмиш Том Уиллер пул учун ҳар нарса юзасидан гаров ўйнашга тайёр. Яқинда бир таниши билан тортишиб қолди: Онайда кўлидан бемалол сузиб ўтаман деб. Кўпчилик ишонмади. Ахир кўлнинг узунлиги нақд 20 мил келади-я.

Том таниши билан гаров ўйнади. Гаровга 7000 доллар тикилди. Томошабинлар Томнинг жасоратига қойил қолишди. У кўлнинг у чеккасидан бу чеккасигача бўлган 20 мил (тахминан 32 километр) масофани 8 соатда сузиб ўтди.

ҚАНОТЛИ БУЗОҚ

● **БОШҚИРДИСТОННИНГ** Тирмен қишлоғида ғаройиб бузоқча туғилди. Унинг белида — олдинги оёқларининг устида иккита тоғайсифат қанот ўсиб чиққанини, уларнинг эни 3—4 сантиметр, узунлиги эса 15 сантиметрни ташкил этади. Бу икки қанотнинг ўртасида эса кичкина мугуз ҳам чиққан. Умуман икки қаноти ва белидаги шохини ҳисобга олмаганда, у ўз авлодларидан биологик тузилиши жиҳатидан ҳеч фарқи йўқ. Бироқ қариялар қанотли бузоқнинг туғилишини яхшиликка йўйишмаяпти, уни дарҳол бўғизлашни талаб этишяпти. Фақат жамоа хўжалиги раҳбарларигина бу талабга қарши чиқиб, бузоққа умр бахшида этишмоқда.

«ҚАРИЯЛАР ОРОЛИ»

● **ГАПНИНГ** очиғи Кипр ҳозирча «қариялар ороли» деб ҳисобланмайди. Аммо «Сайпрус мейл» газетасида ёзишларича 2000 йилга бориб Кипр «қариялар ороли»га айланиб қолиши ҳеч гап эмас экан.

Миллий ҳисоб ва тадқиқот маҳкамасининг хабарига қараганда, республикада аёллар ўртача 78, эркаклар эса 74 йил умр кўриб, Оврупонинг бошқа мамлакатлари аҳолисига нисбатан кўп яшаш бўйича юқори кўрсаткичга эришгани билан аҳолининг кўпайиш суръатлари жудаям суст. Агар яқин келажакда оилани рағбатлантириш тадбирлари кўрилмас экан, орол одамзотдан айрилиб қолиши мумкин, дейилади «Сайпрус мейл»да.

Газетхон миннатдорчилиги

Кавказга тенглашган гўша

Чотқолнинг ғарбида жойлашган Кумушкон дам олиб, даволаниш масканига келган киши мафтун этувчи манзарага дуч келади. Биз аввалари Кавказ дам олиш масканлари — Тиберда, Домбой тоғларида ҳам бир неча бор бўлганмиз. Кумушкон ҳавоси ва манзаралари у ерлардан қолишмас экан. Кумушкон сойининг доим уйғоқлиги, унинг мафтункор шилдираши беихтиёр ўзига тортади. Кумушконнинг шаршараси Кавказнинг машҳур Чимиган шаршарасидан ҳам аълороқдир. Ҳар томонда пурвиқор тоғлар кўк билан ўпишган, кечасию-кундузи туманнинг ҳарир пардалари орасида кўзга элас-элас ташланувчи бу тоғларга қараб тўймайсан киши. Тоғлар бағрида ўсиб ётган олма, бодом, наъматак, дўлана дарахтларига ҳамсоя бўлиб ўсиб ётган арчаларни айтмайсизми!

Химия фанлари доктори, профессор Латиф Юнусов текширган минерал чашманинг таркибида инсон организми учун фойдали элементларнинг мўллиги ва кўплиги жаҳонни ўзига мафтун этган Железноводскдаги Славян, Смернов, Есинтукидаги Есинтуки суви, Кисловодскдаги минералли сувлардан, Қримнинг Саки шаҳридаги Қрим минерал сувидан бир қанча устун жиҳатлари бор. У ердаги минерал сувлар кейинги юз йил ичида маълум бўлган бўлса, Кумушкон минерал чашмаси эса минг йиллардан буён Қўтирбулоқ номи билан аждодларимизга хизмат қилиб келган.

Бу гўшада ҳеч жойда учрамайдиган шарт-шароитлар мавжуд. Ўндан ортиқ бақувват отлар сизни тоғу-тошлар оралаб саёҳат қилишингизга беминнат хизмат кўрсатади. Ҳавоси тоза Кумушкон дам олиш масканида 500 кишини бир йўла овқатлантириш имкониятига эга бўлган ошхона мавжуд. Жонкуяр ошпазлар — Тўхтахўжа Умаров, Зулхайри Орипова, Салима Ҳатамова, Мастура Иброҳимовалар тайёрлаётган лаззатли, тотли таомларни ҳар бир дам олувчи «отангга раҳмат» деб тановул қилмоқда. Сўлим масканга соғлиқлари учун даво истаб келганлар қўли енгил шифокорлар Раҳмат Боротов, Анвар Ражаббоев, А. И. Блоговишовскийларнинг хизматларидан бир умрга миннатдор бўлиб кетмоқдалар. Сўлим гўшада кечасию-кундузи хизматга шай бўлиб турган ишлаб толмас ҳамширалар Юлдуз Норбўтаева, Наргиза Норбетаева, Манот Назироваларнинг ишчанлиги, хушмуомалалиги ҳам таҳсинга сазовордир.

Дам олиш масканига бир йилда 15—16 минг киши келиб кетар экан. Улар оилавий дам олишлари ҳам мумкин. Кумушкон дам олиш масканининг 60 гектар ери ва кичик хўжалигида кўкатлар етиштирилади. Баҳор, куз, ёз фаслларида бу ерга келувчилар истасалар тоғдан фойдали гиёҳларни териб тайёрлов идораларига топшириш, пул ҳам ишлашлари мумкин экан.

Бозор иқтисодиёти ўзининг чўнг лангарини ташлаб турган бугунги кунда ҳар бир дам олувчининг кўнглини топиш, кўп кишилик ошхонанинг дошқозонини кунига 3—4 маҳалдан қайнатиш, беморлар дардига малҳам бўлиш, сайёҳларнинг кўнглини олиш, жамоага бош бўлишнинг ўзи бўлмайди албатта. Бу хайрли ишларга бош бўлиб юрган ғайратли раҳбар Кумушкон дам олиш масканининг директори Давлат Аҳроровга ҳорманг, ишда толманг дегингиз келади.

Қушбой НАЗАРБЕКОВ,
Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, Деҳқонобод жамоа хўжалиги, Бўз қишлоғи, ўқитувчи.

Ўктам АҲМЕДОВ,
Рўзиқул ЮСУПОВ,
Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Навоий номли жамоа хўжалиги Қорабулоқ қишлоғи меҳнаткашлари.



ЯНГИ ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.

Завқланиб яшагим келади

Ўттиз саккиз йилдан буён саломатлигим яхши эмас. Шу кунлар ичида яхши хулқли ҳазрати инсонлардан миннатдор бўлиб 62 баҳорни қаршиладим. Ўшанда пойтахтдаги 4-шаҳар сил касалхонасида операция бўлиб ётганимда, ҳалокатга учраб оёғим майдаланиб кетганида ҳам, мана ўн беш йилдан буён астма билан азоб чекаётган бўлсам ҳам яхши кунларни, яхши одамларни ўйлаб завқланиб яшагим келади.

Қалбим озор чекмаса, бу сатрлар юзага келмас эди. 23 март тонги. Яна бир меҳр-оқибат жамланадиган кун — Ҳайит номози. Зарурат билан шаҳарга тушдим. Машинасозлар деб номланган бекатдан амаллаб метро ичига тушдим. Танга олиш учун одам жуда кўп эди. Оёғим азоб бераётганидан навбатсиз танга олиш учун пул узатдим. Хизмат қилаётган қорасоч ўзбек қизи пулимни итқитиб юборди. Мен илтимос қилиб, дардимни айтиб яна пулни унинг олдига суриб қўйгандим, у олдинги одатини такрорлади. Одамлар олдида ер ёрилмадию, ерга кириб кетмадим. Навбатда турар эканман, хаёлим ўзимда эмас эди. Шаҳардан узоқ ётган бемор каби уйга қайтиб келдим. Ҳарчанд қилмай ўша метро бекатидаги хизмат қилаётган қизнинг одобсизлигини унута олмадим.

Қизлар, аёллар азалдан энг яхши фазилатлар эгаси, гўзаллик тимсолидирлар. Ёшларимиз инсон қадри, кексаларга ҳурмат, одамнинг одам олдидаги бурчини унутмасликлари керак. Ҳеч қачон ёшларимизнинг юзини ерга қарашини истамайман. «Туркистон» рўзномасини жуда кўп ёшлар севиб мутолаа қиладилар. Шу сабаб ушбу воқеа ёшларимизга ўгит бўлар, деган умидда қалб изтиробларимни ёзиб, сиз азиз заҳматкашларга юрагимни бўшатгим келди. Қолаверса, сизлардан бир ўтинчим — ушбу мактуб мазмунини Тошкент метроси бошқармасига етказиб қўйсангиз. Бир умр сизлардан миннатдор бўлардим деб

Аслон УСМОНОВ,
Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Политотдел» жамоа хўжалиги.

Муштарийлардан мактублар

ЭНДИ МАЗА ҚИЛАМИЗ

Хитой Халқ Республикаси Уйғур автоном районидаги ашула ва рақс ансамблининг Марказий Осиё республикаларидаги гастроллари Андижон, Ўш, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент областларида бўлиб ўтади. Қардошларимизнинг ушбу санъат намойиши 8- ва 9 май кунлари Тошкентдаги Халқлар дўстлиги Саройида якунланади.

Ҳозирда Шарқий Туркистонда яшовчи уйғурлар, қозоқлар, мўғуллар, ўзбеклар, нансилар ва руслардан иборат ўндан ортиқ миллатларни ўз ичига олган бу ансамбль мухтор вилоятнинг маданий ҳаётида етакчи мавқега эга бўлди. Қарийб ярим аср давомида турли халқларнинг бадиий ва жанр жиҳатдан бир-бирига ўхшамайдиган ва айни чоғда бир-бирини тўлдирадиган қўшиқ ва рақслари саҳнага чиқди. Ансамбль сайёрамизнинг деярли барча қитъаларида: Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка, ва Европада ўз санъатини намойиш этган.

Маълумки, бу ансамбль 1991 йилда ҳам Тошкентда ўз санъатини намойиш этган эди. Ўшанда томошабинлар, асосан миллий санъат мухлислари унинг санъатидан қониқмай қолган эдилар. Бу сафар ана шу кемтикни тўлдирадиган бўлди.

(Ўз мухбиримиз).

Писта чақиладиган кинотеатр

И в
йуге,
Наҳотки?!

Кўча айланиб юргандик. Шеригим таклиф киритиб қолди.

— АҚШ фильми кетаётган экан, киноға тушмаймизми?

Ҳасан аканинг истакларини сўндиргим келмади. Кинотеатрга бордик. Шоди Шойимов номи билан юритилувчи бу санъат кошонаси Шаҳрисабздаги энг обрўли даргоҳ. Шаҳар марказида жойлашган.

Паттани кўрсатиб, томоша залига кирдик. У ердаги манзара беўхшов эди. Оёқ ташлагани очиқ жой йўқ. Полнинг устида писта пўчоқлари сочилиб ётарди. Олдинги ўриндиқлар оралиғидаги пўчоқнинг қалинлиги оёқ кийимини кўмадиёв.

Фильм бошланди. Орқадаям, олдиндаям шовқин-сурон. Бир зум гап-сўзлар тинмайди. Кино кўрганимас, дардлашгани киришганмией. Экрандагилар нима деяпти, овозни эшитганга раҳмат. Томошабин диққатини бир жойга йиға олмайди. Бир ёқда қаҳрамонларнинг кечинмаси, пистанинг чиқир-чиқири эса иккинчи томондан; ташқарида ёмғир бўлгани туфайли асабга тегаётган чаккидан безовталиқни айтмайсизми! Саккиз-тўққиз, ўнинчи қаторларда умуман ўтириб бўлмайди. Гўё ичкаридаям ёмғир ёғаётибди. Ўзимизам икки марта ўриндиқни алмаштирдик. Яхшики томошабин оз экан, бўлмаса шалаббомиз чиқардия.

Бунгаям чидаб турардик. Лекин сеанс давомида кириб-чиқишлар роса асабни ўйнади. Эшик очилаверади, ёпилаверади. Кимдир залга киради, кимдир чиқади. На тартиб бор, на кино кўраётганларга ҳурмат.

— Ҳув Қодир, пистам тугаб қолди. Бор, бир стакан олиб кел.

Орқада ўтирган дўстининг гапига биринчи ўриндиққа ўрнашган Қодир ҳам эътиборсиз қолмайди.

— Содиқдан ҳам сўра, уникиям қолмабдими?

Яна писта келтирилади. Эшик оғаси, назоратчига барибир. Бировни тартибга чақириш унинг вазифаси эмас, чоғи.

Шаҳрисабз улуғлар туғилган улуғ юрт. Тарихда буюк из қолдирган маданият ўчоғи. Шу муқаддас заминда санъатга, унинг ихлосмандларига паст назар билан қаралаётганини Шоди Шойимов номидаги кинотеатр маъмурияти билмайдими? Билади. Аммо уларга бу нарсалар эмас, фақат пул керак. Пул.

Қурбон АЛИ,
Қашқадарё вилояти.

Бизни ҳам унутманг

«Туркистон» газетасини севиб ўқиймиз. Баъзи баҳсли мақолаларни оиламизда муҳокама қиламиз. Айниқса тарихий мавзуларда ёзилган материаллар бизга жуда ёқади. Кейинги пайтларда жойлардаги Ёшлар Иттифоқлари фаолияти ҳам яхши ёритиляпти. Муаммолар ҳам, камчиликлар ҳам батафсил айтилмоқда. Тўғриси, «Бир рубобнинг икки тори», «Кўнгил мулки» саҳифаларидаги мақолалар ҳаммага ёқса керак деб ўйлайман. Чунки бу саҳифаларда оила, муҳаббат ҳақидаги фикрлар жуда яхши ёритилмоқда. Айниқса «Жиноят ва жазо» ойнасўзи остида берилаётган суд очеркларидаги воқеалар ҳам ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Ўйлашга мажбур қилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Газета ўзининг елкасидаги юкдан ҳам оғирроқ юкни кўтариб мухлислар эътиборида турибди. Ҳозирги даврда газеталар қизиқимишли чиқмаса ким ҳам уни сотиб оларди дейсиз. Лекин менинг бир эътирозли гапим бор. Агар иложи бўлса, газетада менинг фикрларимни чиқарсаларингиз. Тўғриси «Туркистон»да ёш пахтакорлар, ёш ишчилар ва чўпонлар ҳақида кам ёзиляпти. Агар улар ҳақида очерклар яратилса, менинг назаримда ҳамма қизиқиб ўқирди. Мен буларни ёш, оддий пахтакор сифатида айтдим. Ўйлайманки, менинг таклифим инобатга олинади.

Ўткир ЭРАЛИЕВ,
Сирдарё вилояти,
Сирдарё тумани.



Аёлларнинг гўзаллиги нимада, деган саволга кўпчилик йигитлар унинг ибосида, деб жавоб бериши табиий. Иболи аёл қалбан сулув бўлади. Сулув аёлнинг эса ширин сўзи, пазанда қўли бўлса янада гўзалроқ кўринади. Агар тим қора, майда ўрилган қоп-қора сочлари ўзининг белини «ўпиб» турса-чи. Бундай гўзални кўрган ҳар қандай йигитнинг ширин энтикиши табиий.

Соч. Аждардай тўлғонган кокиллар ҳақида қайси шоир шеър битмаган. Қайси ҳофиз тим қора сочлар дардида ёниб куйламаган, дейсиз.

Бундан бир неча йил олдин таҳририятимиз соч тўғрисида кўплаб муштарийларнинг фикрларини ёритганди. Ўшанда кўпчилик йигитлар узун сочли қизларни ёқтиришларини ёзгандилар. Уларнинг гўзал жамолидан ой ҳам, юлдуз ҳам уялади.

Сураткаш:
Турғунбек МАҲКАМ.

Конвертда келган шеърлар

ЖАВОБ

Ҳисоб-китоб дарсида
Муаллима сўради:

Бешга бешни қўшганда,
Айтчи, неча бўлади?

Ўқувчи эсанкираб
Гўё тушгандай ташвиш.

Узоқ ўйлаб айтади:
Бўлади иккита беш!

СУЯК ТУГАДИ

Гўшт олиш-чун одамлар
Навбатда турар эди.

Қассоб гўшт орасига
Кўп суяк «урар» эди.

Ярим соат ўтмасдан
Дўкон оғзи тўсилди.

«Суяк тугади» деган,
Катта эълон осилди.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,
Фарғона вилояти, Боғдод тумани, Ултарма қишлоғи.

Газета келмай қолди

Ёшинг бир жойга бориб қолгач, овунчоғинг газета ва журнал бўлиб қоларкан. Матбуотдаги янгиликларни ўқиб дам оласан. Мен ҳам умид билан «Туркистон»га ёзилгандим. 20 мартгача газетани олиб турдим. Сўнг келмай қўйди. Газеталарни тарқатадиган алоқа бўлимига бордим. «Бизга газеталарни етарли бермаяпти» деди. Сўнг шаҳримизнинг газеталар тарқатадиган ташкилотига қўнғироқ қилиб, алоқа бўлими ходимларининг гапини айтдим. Улар эса «ҳамма обуначиларга газета тўлиқ ажратиляпти» дейишди.

Ҳозир нима қилишга ҳайронман. Пулни обуна учун олгандан сўнг газетани ўз вақтида келтириб берсин-да! Ахир бизлар миллионер эмасмиз-ку. Болаларимиз ризқидан қийиб обуна бўлганмиз.

Меҳри МАНСУРОВА,
Андижон шаҳри, 1-микрорайон, 10 уй, 27-хонадон.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳа, газетамизга бундай норозилик билан ёзилган шикоят хатлари ҳам келиб туради. Уларни таҳририятимиз Республика матбуот тарқатиш бошқармасига юбормоқда. М. Мансурованинг шикоятини шу ташкилот эътиборига ҳавола этамиз.

Луқма

Антиқа ташаббус

Косонсойда бўлган кунимиз ғалати бир воқеанинг устидан чиқиб қолдик. Шаҳардаги ўқув юртларида, хусусан, тиббиёт ва муаллимлар тайёрлаш билим юртларида ҳам бошқа жойлардаги каби темир парчаларини йиғиб топшириш ишлари давом этаяпти. Ҳар иккала ўқув масканининг талабалари учун махсус режа белгилаб қўйилган. Темир-терсак йиғиб топшириш ҳар галгидек ёшлар ташкилотларининг зиммасида. Билим юртларининг дирекция ва маъмуриятлари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда берилган топшириқнинг ижросини қаттиқ назорат қилиб турибди. Мундоқ қараганда, ҳаммаси рисоладагидек, оддий. Лекин...

Косонсой тиббиёт билим юртида олти юздан ортиқроқ ўқувчи таҳсил олади. Уларнинг аксарияти қизлар. Косонсойликларни қўя турайлик, четдан келиб бу ерда илм олаётган қизлар ўз зиммаларидаги «задания»ни қандай бажаришяпти? Уюшган ҳолда темир парчалари йиққани чиқсинлар дейсизми? Адашасиз, қаерга чиқишади, ахир темир деган матоҳ бирор жойда уюлиб ётгани йўқ. Топшириқни бажариш эса мажбурий. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади деганлари рост экан. Темир-терсак йиғиб топширишнинг антиқа усули ҳам топила қолди. Қанақа дейсизми?

Темир йиғишга имконияти бўлмаганлардан... пул йиғиб олинади! Қарабсизки, иш ҳамирдан қил суғургандек оппа-осон битади-қўяди. Бошқача қилиб, айтганда, сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Наманган шаҳрида жойлашган «Вторчермет» корхонасидаги амакижонлар бунинг эвазига билим юрти учун «ҳақиқатан ҳам тиббиёт билим юрти ўқувчиларидан фалон тонна темир парчасини қабул қилиб олдик» деган мазмунда маълумотнома беришаркан...

Ана холос, ахир биз илм истаб келган қизларнинг дала-ма-дала кезиб, темир қидиришларини «мантиқсизлик» демоқчи бўлиб турувдик, буниси ундан ҳам ошиб тушдику!

Эҳтимол, Наманган вилояти давлат назорати қўмитасидаги мутасадди ўртоқлар мана шу антиқа ташаббусни изоҳлаб бериш учун бирон бир ойдинлик киритишар?

Рустам БОЙ МУҲАММАД,
«Туркистон» ўз мухбири.
Косонсой шаҳри.

Шеърият

Эшқобил ШУКУР.

Кунботарда бир баҳодир бўлойин...

ШОИРни бу машаққатли йўл қайга элтади? На Ғарбга, на Шарққа, на қабрга, на кўкка... Мен хулосага келдим: шоир минг йил яшаса ҳам, минг хил йўлдан юрса ҳам барибир ЎЗ ҚАЛБИ сари бораверади. Унинг дастлабки манзили ҳам, энг сўнгги манзили ҳам қалбдир. Қалб дегани шундай мўъжизаки, у шоирни бир кунда юз марта қайта туғиши мумкин. Энди мен ташвишланмайман. Чунки, мен ўз қалбимнинг бағрида ҳимояландим...

Тангрига шукрлар бўлсин!

Муаллиф

Кўнгил қушлари

Кўзимга қамалган ҳайрон тушларни,
Қайга ҳайдаяпсан, девона шамол.
Кўксимда донлаган чип кўр қушларни,
Нега алдаяпсан, бегона аёл.
Бу қушлар — кўр қушлар, туғма
кўр қушлар,
Ўттиз йил боқаяпман юрак едириб.
Арслон ўз боласин тургандай тишлаб,
Турар тумшуқларин дилга ботириб.
Ажаб, дил роҳатда, кўзларим қақшар,
Ҳайрон тушларимни супурар шамол.
Бу қушлар касалманд болага ўхшар,
Сен эса, шамолга ўхшайсан, аёл.

Қордан сўнг

Тоғлар елканлардай кўтаради қад,
Ҳилпираб туради паға булутлар
Яхмалак отади, яхмалак фақат,
Сўлим хотиралар, ғариб унутлар.
Мен сенинг уйингга кириб бораман,
Ёз, қишдан қувилган Қор Одам каби.
Уйинг — оқ қорларни соғинган ватан,
Ҳам кучоғи ҳаёт — жарликлар лаби.
Сенинг даричангта осилар қуёш,
Токчада китоблар ёлғончи — авом.
Печканинг ичига қамалган бардош,
Бўғзимга муз каби тиқнлар «Салом».
Январнинг қор, ойсиз кечасидай соч,
Менинг юрагимни ютади аста.
Кетаман. (Тунларни еб тўймас қуёш)
Вақт жарлигидан ҳам пастга.
Сор бургут ўрнида зағчалар учар,
Ҳимолайнинг қорли чўққиларида.
Бир кунда юз фасл сен томон кўчар,
Уларни Қор Одам йўллар қабридан.
Сени маъбудалар асрар авайлаб,
Бошингда ярқирар фасллардан тож.
Аммо ўз қалбингни туради бойлаб,
Январнинг қор, ойли кечасидай соч.
Газеталар ёзди: «Қани у севги»
Номаълум солдатдай ҳамон бедарак
Наҳотки, дунёга қайтиб келмайди,
Январ тунларида йўқолган юрак.

* * *

Оппоқ булут кийиб ўтди марҳумлар...
Қўлимда ҳамён-у, эгнимда жубба.
Ўтдилар хаёлга, Сўзга маҳкумлар,
Кўзимда дунё-ю, сўзимда тавба.
Ойдин кеча эди... кўп ғамгин кеча...
Оппоқ булут кийиб ўтди марҳумлар.
Ҳаёт ўзича-ю, хаёл айрича,
Бир кўнгил устида минглаб ҳукмлар.
Тилимда дарё-ю, дилимда олов,
Ортда — сўз, олдимда ўйнар рақамлар,
Оёқда пайтава, қўлимда ялов,
Ҳолимга кулгандай бўлар марҳумлар.
Гоҳо сўниб қолиб, гоҳида тошиб,
Ўзни жамлай олмай ўтаётирман.
Ҳолимга қарайман: ўттиздан ошиб,
Ўттизга бўлиниб кетаётирман.

Гўрўғли

Гоҳо ботирларни туғар қабрлар,
Гоҳо туғадилар етим қасосни.
Ер остига кетса барча шоирлар,
Осмондан кутинглар буюк овозни.
Гоҳо ботирларни туғар қабрлар,
Марҳумлар дунёсин ижоди каби.
Ер устига чиқар аввал шоирлар,
Дард тутган қабрлар фарёди каби.

Мангу айролиқ асрларида

Олтин ойга олма отар Ойбодом,
Ойботарда йиғлаб ётар Ойбодом.
Ойқизларнинг ойпариси Ойбодом,
Кунботардан куйиб ўтар Ойбодом.
Олма юзли, бодомқовоқ Ойбодом,
Ёйиқ сочи ёнар байроқ Ойбодом.
Йил ботарда чўкар қора сувларга,
Бу дунёда ой каби тоқ Ойбодом.
Шамол, мени Ойботарга олиб кет,
Қуюн, мени Кунботарга олиб кет,
Ҳаёт, мени Ойбодомга олиб кет,
Оллоҳ, мени Муҳаббатга олиб кет.
Кунботарда бир баҳодир бўлойин,
Ойботарда лайлатул қадр бўлойин.
Йилботарда осмондай сир бўлойин
Ойбодомда Ой кўнгли не билойин.
Шамол, мени... Ҳаёт, мени...
Оллоҳ мени...
Қайғу юрти — Ойбодомга олиб кет.
Ойботарда йиғлаб ётар Ойбодом,
Ойга олтин олма отар Ойбодом,
Ўз бағрига тошлар отар Ойбодом.

Ишқ ва талаб қайғуси

Шабнамдай дилимга ютдим субҳини,
Олов узра сочдим жон тасбеҳини.
Эй, жон, ҳолинг хароб, матлабинг тараб,
Эй дил, ишқ қонидан бир коса шароб.
Кўнгилнинг кўнглаги кел, эй шабистон,
Шамъингга кўмилиб куйсин устихон.
Ишқ ва талаб келсин қошу қабоқдин,
Ишқ насиба бўлсин Шому Ироқдин.
Жон узра чайқалиб турар муттасил,
Мансур каби дорга тортилган бу дил.

Бузоқнинг ўлимидан сўнг

Уч кунлик бузоғи ўлган сигирни
Соғиб олаётир бефарзанд хотин.
Туёғи зирқираб йиғлайди жонвор,
«Ҳўш-ҳўш»лаб қайғули куйлайди хотин:
«Кувшаб егин ўтингни,
Ийиб бергин сутингни.
Сенинг боланг ўлибди,
Хурмо[1] боланг бўлибди.
Ҳўш-ҳўўш, энам-ов, ҳўўш[2].
Қайғуни ямламай ютади хотин,
Аламни кувшаб еб ётади сигир.
Томорқада эса... Экин ичидан
Битта бола излаб ивирсийди эр.
Ҳовлида ҳувиллар беш хонали уй...
Гувиллаб кўпайиб борар чумоли...
Узоқлашиб борар хотин билан эр,
Бир яйраб кулишга етмайди ҳоли.
Уч кунлик бузоғи ўлган сигирнинг
Сутин соғиб олди бефарзанд хотин.
Икки жонвор қалби чайилган сутни
Ўғри мушук ичиб кетди ўша тун.

---

[1] Хурмо — кади каби идиш.

[2] Бузоғи ўлган сигирни хотинлар шундай овутишган.

Яхши одам эди

Қабристондан қайтаяпмиз. Чиғатойдан. Кўнглимда ҳали ўзим тушуниб етолмаган туйғу соғинчми, бу, айрилиқми!

Ҳозиргина Чиғатой қабристонида йирик математик олим Саъди Ҳасанович Сирожиддинов қабрига ўрнатилган бюстнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. У кишининг шогирдлари айни пайтда пойтахтдаги физика-математика фанларига ихтисослашган республика иқтидорли ёшлари лицейи директори Мирфозил Мирзааҳмедов шундай ҳикоя қилади:

— Саъди Ҳасанович математика фанининг турли соҳаларидаги илмий ишлари билан илм аҳли хотирасида чуқур из қолдирди. Айниқса, унинг эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага оид тадқиқотлари Ўзбекистон фанига катта шуҳрат келтирди. Уни дунёга танитди, — дейди Мирфозил ака.

Саъди ака математик таҳлилга оид ҳам бир қанча фундаментал ишлар қилган. Домла илмий фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири математика тарихидир. Бизнинг замин алломаларга ниҳоятда бой бўлган. Аммо уларнинг ишларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва дунёга яна бир бор намойиш этиш чуқур билим ва чуқур тадқиқотни талаб қилар эди. Домла ўша ишга бош-қош бўлди.

Саъди Ҳасанович ўзининг соҳаси бўйича турли илмий анжуманларни, симпозиум, конференция, конгрессларни ташкил этар, дунёнинг йирик математикларини Ўзбекистонга таклиф этар ва шу орқали илмий алоқаларни мустаҳкамлаб илм-фаннинг янги натижаларини, янги йўналишини Ўзбекистонда ҳам таркиб топишига, илдиз отишига, фаннинг моҳир ташкилотчиси сифатида катта ҳисса қўшганлар. У кишининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида Ўзбекистонда Эҳтимоллар назарияси бўйича Совет—Япон симпозиуми 1975 йилда ўтказилди. 1986 йили эса халқаро Бернулли жамиятининг биринчи Умумжаҳон конгресси бўлиб ўтди.

Мирфозил ака устоз ҳақида жуда кўп илиқ гаплар айтди. Хаёлдан Саъди Ҳасанович Сирожиддиновнинг қилган ишлари бир-бир ўтади. Кўнгилда эса ягона бир таскин бор, у ҳам бўлса олимнинг ишларини унинг иқтидорли шогирдлари давом эттираётганлигидир.

СУРАТДА: Чиғатой қабристонида С. Ҳ. Сирожиддинов хотирасига ўрнатилган бюстнинг очилиш маросимидан лавҳа.

Муҳаммад АМИН.

Газета саҳифаланаётганда:

ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ ТУЛАШНИ УНУТМАНГ!

Ўзбекистон энергияни тежаш идорасида электр энергияни тежаб сарфлашни назорат қилиш ва уни ўғирлашга қарши курашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Тармоқнинг молиявий аҳволи қийинлашгани назоратни кучайтиришга мажбур қилди. Чунончи, бир киловатт-соат энергиянинг нархи 1990 йилга нисбатан бир неча баравар ошди, аҳолидан тушаётган маблағ эса атиги бир неча фоиз кўпайди. Электр энергия ўғирланишидан тармоқ катта зарар кўрмоқда.

Эндиликда ҳамма абонентлар йилнинг ҳар чорагида бир мартадан текшириб турилади, жамғарма кассаларида электр энергия сарфи ва унга тўланган ҳақ ҳар ойда бирбирига таққосланади. Имтиёздан фойдаланаётган абонентларни текшириш бошланди. Тўйлар ва бошқа тантаналарни ўтказиш чоғида одамлар электр энергия учун олдиндан ҳақ тўлашлари керак. Назоратчилар қарздорлик, бошқа бузилишлар аниқланган тақдирда энергетикларга етказилган зарар тўла ундириб олингунга қадар электр энергияни узиб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар. Назоратчилар сонини ҳамда электр энергиядан фойдаланиш қоидалари ва ўғрилик фактлари аниқлангани учун тўланадиган мукофот миқдорини кўпайтириш назарда тутилди.

Ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун электр энергия ҳақини вақтида тўлаб қўйган маъқул...

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Фарғона шаҳар прокуратураси ва ички ишлар органларининг ҳамкорликдаги тадбирлари оқибатида қалтис қилмиш, нопок йўл ва жиноий ҳаракатларни ўзига касб қилиб олган йўлтўсар қўлга олинди.

Владимир Абдураҳмонов деган бу кимса 1961 йилда туғилган бўлиб, қарамоғида икки нафар гўдак фарзандлари бўлишига қарамасдан, тайинли бирор ишнинг бошини тутмаган. Муқаддам ҳам жиноят қилиб судланган.

Владимир ўз шериклари билан Белокрилов деган кимсанинг уйига қароқчиларча бостириб кириб, уйдаги лаш-луш ва пул буюмларини шилиб кетди. Аммо улар ўз мақсадларига ета олмадилар.

Жиноий йўл билан тўпланган мулки мусодара қилинди ва эгаларига қайтариб берилди. Жиноятчилар Фарғона шаҳар халқ суди ҳукми билан қилмишларига яраша ўз «улуш»ларини олишди.

* * *

Яқинда Хоразм вилоят прокуратураси халқ таълими мактабларида қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказганларида ғаройиб фактга дуч келдилар.

Урганч шаҳридаги ўнлаб мактабларда дарсга кечикиб келган ўқувчилардан 10 сўмдан, дарсни қолдирганлардан 25 сўмдан, мактаб ҳудудида тозаликка риоя қилмаган талабалардан 50 сўмдан жарима олиш жорий қилинибди.

Билим масканига болалар завқ-шавқ билан эмас, қўрқа-писа чўнтак ушлаб келадиган бўлиб қолишган экан.

Прокуратура бундай ўзбошимчаликка чек қўйди. Ўнлаб айбдорлар жазога тортилди. Улар орасида мактаб директорларидан тортиб шаҳар халқ таълими бўлими мудири К. Бердиевгача бор.

Ф. ҚИЛИЧЕВ.

ЖИЗЗАХДА ЯНГИ АВТОБУСЛАР

Жойларда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Айниқса, йўловчиларни ташишда ҳар доим нимадир етишмовчилик, қандайдир муаммо. Энг ёмони — ташиш наклиётлари етишмовчилиги.

Жиззах вилояти ҳокими А. Х. Тошкенбоевга меҳнаткашлар билан учрашувларда худди шундай таклифлар тушганди. Ҳоким эса масалани ижобий ҳал қилишга ваъда берган.

Мана, ўша аниқ ваъданинг илк натижаси — куни кеча «Жиззахтранс» бирлашмасига ўнта янги автобус келтирилди. Курияда ишлаб чиқарилган замонавий русмдаги, жуда қулай бу автобуслар эндиликда вилоят маркази билан ноҳиялар марказларини боғлашга хизмат қилади.

Айни пайтда 10 та «ЛАЗ» ҳамда бир нечта янги «Пазик» маркали автобуслар ҳам харид қилинди. Энг қувонарлиси, яқин кунларда шаҳар ичида Туркиядан келтирилган 25 та «Фиат» кичик автобуслари ҳам қатнай бошлайди.

Келгуси сонда:

- ● ЭРКАКЛАР ЛИЦЕЙИГА ҚАБУЛ БОШЛАНАДИ.
- ● ДАРЁ СОҲИЛИДА... ДАРЁ

Ибратли тадбирлар

СИЗГА ИШ КЕРАКМИ?

Авваллари ишсизлик ҳақида гап кетса, албатта, унинг ёнида «капиталистик мамлакатларда», деган қўшимчаси бўларди. «Шўро тузумида ишсизлик йўқ, бундан кейин ҳам бўлмайди», деб уқтиришарди бизга. Мана бугун кўриб, билиб турибмиз-ки, бу гап ҳам коммунистларнинг навбатдаги ёлғонларидан бири экан. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади деганларидек, бу иллат ҳам юзага чиқиб қолди. Айниқса, бугунги ўтиш даврида корхона-ю ташкилотларда ўтказилаётган «қисқартириш»лар, ишсизлар сонининг сезиларли даражада ошишига олиб келди. Энди ана шу касални даволаш пайти ҳам етди, шекилли. Бу борада қатор тадбирлар амалга оширилаяпти-ки, биз ана шуларнинг бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Яқинда пойтахтнинг Чилонзор ноҳиясида «Бўш иш жойлари ва вакант ўринлар ярмаркаси» ўтказилди. Ушбу тадбирнинг ташаббускорлари Республика Меҳнат вазирлиги, Ишсизликдан ижтимоий ҳимоя қилиш хайрия жамғармаси, Чилонзор ноҳия ҳокимияти ва Чилонзор ноҳия меҳнат биржасидир. Биз ноҳия меҳнат биржаси директори Баҳодир Шомузаффаров билан суҳбатлашдик.

— Ноҳиямизда 5 мингга яқин ишсиз бор, — дейди биз билан суҳбатда директор. — Шу билан биргаликда мингга яқин бўш иш жойлари мавжуд. Кимдир ўзига керакли иш ўрнини тополмаса, қайсидир ташкилот эса ўзига зарур бўлган мутахассисни излайди. Мана ўтказилаётган ярмаркада 42 та ташкилот ўзидаги бўш ишчи ўринларини ташкил қилаяпти. Ноҳиядаги корхона, ташкилотлардан ташқари, шаҳардан бошқа идораларни ҳам таклиф қилганмиз. Бугун ишсизларимизга жами 11 минг бўш ўрин таклиф қилаяпмиз. Ҳеч бўлмаса рўйхатимиздаги ишсизларнинг минг-икки минги мана шу тадбиримиздан кейин ишга кириб олса, бу бизнинг ютуғимиз бўларди.

Б. Шомузаффаровнинг куйинганича бор. Республикамизда ишсизлар борлиги рост бўлгани каби, бўш иш ўринлари мавжудлиги ҳам чин ҳақиқат. Юқоридагидек тадбирлар эса, айни кунда ишсизлар учун ҳам, ишчи кучи зарур бўлган корхоналар учун ҳам бирдек зарур.

И. ҲАМРОЕВ,

СУРАТЛАРДА: ярмаркадан айрим лавҳалар акс эттирилган.

Суратчи Солиҳ ЗОИР.

УЙҒОҚ ҚАЛБЛИЛИК

КЕЛАСИ йил Наврўз айёмида дунё жамоатчилиги, айниқса туркий олам буюк мутафаккир, мунажжим, адолатпарвар шоҳ Амир Темурнинг суюкли набираси Муҳаммад Тарағай — Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлайди. Мирзо Улуғбек ҳақида Навоийдан тортиб Муҳаммад Юсуфгача бўлган юзлаб шоирлар бағишлов шеърлар битишган. Шарқ уйғониш даври ҳақидаги бирор бир тарихий асар унинг номини четлаб ўтмаган. Ғарб дунёси бир неча юз йиллар унинг илми қаршисида тил тишлаб сукут сақлашган.

Мирзо Улуғбек ўз даври жоҳилияти, маънавий-ижтимоий зиддиятларининг қурбони бўлди. Зулумот томон кетаётган одам нурдан тобора узоқлашиб борганидек, жаҳолат, бидъат исканжасига тушиб қолган халқимиз унинг мероси, илми зиёсидан бебаҳра қолиб келди. Фалакиёт илми тараққий эттирилмади. Онгга, маънавиятга кишан урган жаҳолат у яратган обсерваторияни ер билан яксон этди. Китобларини ёқди.

XIX аср охири XX аср бошларида тафаккурда, халқ онгида уйғониш бошлангач, табиий суратда улкан маънавий меросга қайтиш бошланди. Фитрат, А. Саъдий каби адабиётшунослар томонидан Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Навоий каби мутафаккир салафларимиз мероси тадқиқ этила бошлади. Ҳар бир уйғоқ қалбли шахсда бу сиймолар илмини эгаллаш, фалсафасини англаш, тушуниш иштиёқи пайдо бўлди. Қайта нашрга тайёрланган ушбу мақола ажойиб шоир, адиб Чўлпон қаламига мансуб. Мақола 1923 йил «Фарғона» газетасида чоп этилган. Мақола ёзилган сана Чўлпоннинг ўлкадаги бузғунчиликлар ҳақида тўлиқиб публицистик мақолалар «беш йиллик алданиш»дан кейинги изтиробларини ифодалаб, бой берилган озодлик ва қайтадан онгга сингиб келаётган жоҳиллик—қуллик ҳақида қайноқ шеърлар ёзаётган йилларга тўғри келади. Мана шундай паллада Чўлпоннинг улуғ мунажжим ҳақида, унинг таваллуд санасини нишонлаш, меросини ўрганиш хусусида мақола ёзиши бироз эриш туюлади. Бироқ, Чўлпоннинг бу чиқиши ҳам жамият озодлиги, халқ эрки билан боғлиқ эди. Чўлпон жамиятдаги ривожланиш, маданий-маънавий тараққиёт аждодлар маърифатини, илмини қайтадан тафаккур қилиш—маърифатпарварликка боғлиқ, деб билган. Мазкур йилларда Чўлпон нафақат аждодлар ҳақида, балки турк элпарварлари Тавфиқ Фикрат, Ризо Тавфиқбек, ҳинд мутафаккири Р. Такур ва ғарб санъаткорлари Молъер, Мейерхольдлар хусусида ҳам мақолалар ёзди. Бу уринишларнинг барчаси жамиятдаги маънавий-сиёсий таназзулдан чиқишнинг ягона иложи — маърифатпарварлик йўлида амалга оширилган эди.

Шу йили «Чўлпон» нашриёти жонкуяр халқпарвар Чўлпоннинг «Адабиёт надир!» номли тўпламини нашрдан чиқаради. Тўпламга адибнинг адабий-танқидий, илмий-публицистик мақолалари ҳамда шоир замондошларининг хотиралари жамланган. Қуйидаги мақола шу тўпламдаги мақолаларнинг бири.

Улуғбек СУЛТОН,
ТошДД аспиранти.

ЧЎЛПОН

Мирзо Улуғбек

ИЛМИЙ ҳаёт тарихида Туркистоннинг шарафли бир мавқеи бордур.

Милоднинг 1420 нчи йилида машҳур Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек, илмий ҳаётга бўлган кучли муҳаббати орқасида Самарқанд шаҳрига бир расадхона бино қилдирғон эди. У вақтдан бери орада 300 йилча вақт ўтиб, ерлар тагида кўмулуб кетган у расадхонани мундан 10 йиллар бурун Самарқандли мусташриқ Воткин топуб, кавлашган эди. Бу расадхона мармардан ясалғон зўр бир бинодан иборат эди. У ерда бизнинг Туркистон ўғли Мирзо Улуғбек дунёнинг ҳар тарафидан тўплаб олғон олим йўлдошлари билан зўр бериб ишлаган эди.

Мирзо Улуғбек томонидан тузилган битта «Юлдузлар жадвали» бор. Бу жадвалда ўша вақтда маълум бўлғон юлдузлар жуда очиқ таъриф қилинадур. У жадвал машҳур юнон ҳайъат олими Хиппорис вақтидан бери тузулган биргина жадвал, деб ҳисобланадур.

Туркистон халқи, айниқса биз тубжой халқ ўзимизнинг шу олим кишимизни сира эсга олмаймиз. Унинг исмига биргина кичкина бўлса ҳам хотира, нишона йўқ. Шаҳарларда очилғон мактаблар билангина у улуғ олимни тақдир қилдиқ деб айта олмаймиз. Сира, сира айта олмаймиз.

Тошканд расадхонаси ҳозир бир ишга қадам қўйди. Гирмониядаги Насийс корхонасига буюруб, катта бир тилискўп (расадхона дурбини) ясатдирмоқчи ва у дурбинни Тошканд расадхонасига ўрнатуб унга «Мирзо Улуғбек дурбини» деб ном қўймоқчи. Бу дурбин бир Туркистондагина эмас, бутун эски дунёда бирдан-бир катта дурбин бўладур. Нимагаким, бундоқ зўрликда ва бу ўткурликдаги дурбин фақат Амриқодагина бордур.

Корхоначи билан сўзлашилган. Дурбин олтун ҳисоби билан 96000 сўмга тушадур. Бу пулдан 40000 сўми пишаки берилса, дурбин 2—2,5 йилда тайёр бўлиб келадур.

Ташаббус бошланғон. Иш, фақат шу пулни йиғишда қолғон. Пул ваъда қилғон идоралар ҳам бор. Биз умид қиламизким, Улуғбекнинг она юртида мундоқ хайрлик ташаббусга керак бўлғон пулни Туркистон ҳукумати ҳам, халқ ҳам қандоқ қилиб бўлсада, тўлдириб берар.

«Гулхан» ва «Ғунча» журналлари жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори И. Ш. Шоғуломовга ўғли

Алишер ШОҒУЛОМОВнинг,

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Ш. Шоғуломовга ўғли

Эркин ШОҒУЛОМОВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА,
А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
К.ЖУМАНИЁЗОВ, З.МАМАДАЛИЕВ,
К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб),
С.РУСТАМОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар – 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан
ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52;
иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81;
ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48;
қабулхона – 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг
сешанба, пайшанба,
шанба кунлари
чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга
қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 56

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—232. 64562 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 24.00 да.